

Кўриб завқланинг: Буюк Британия масжидлари



15:04 / 29.01.2019 3298

Дунёнинг ҳеч бир мамлакатада Буюк Британиядаги турли шаклу шамойилдаги масжидлар мавжуд бўлмаса керак. Бу мамалакатда оз сонли ибодат қилувчилар учун қурилган кичик масжидлардан тортиб улкан биноли масжидларни кўриш мумкин. Сўнгги олиб борилган аҳолини рўйхатга олиш натижларига кўра, Буюк Британияда 3 миллиондан ортиқроқ мусулмонлар яшайди. Уларнинг асосий қисми Англия ва Уэльсда истиқомат қилса, қолганлари Шотландия ва Ирландияга тарқалиб кетган. Бугунги кунда Буюк Британияда 1500 та масжид ва 1000 дан ортиқ исломий ташкилотлар фаолият олиб боради. Сизнинг ҳукмингизга ҳавола этиладиган масжидлар коллецияси меъмор Шоҳид Салим томонидан ёзилган “Британия масжидлари” номли китобидан танлаб берилмоқда. Бу китобда энг қадимий масжидлардан тортиб замонавий дизайндаги


масждилар ҳам жой олган. Марҳамат томоша қилинг ва завқ олинг.

Буюк Британиядаги энг биринчи мусулмонлар масжидига 1889 йили Ливрпулдаги теракли уйнинг биносида адвокат Абдулла Уильям Киллиам раҳбарлигида 20 нафар исломни қабул қилган инглизлар томонидан асос солинган.

Азизия масжиди

1913 йилда Лондон шарқидаги Хакин шаҳрида қурилган бу масжид 70 йил давомида кинотеатр сифатида фаолият олиб борган. 1983 йили Турк исломий уюшмаси тасарруфига ўтганидан сўнг, масжидга айлантирилади ва ҳозирда 2000 нафар намозхон бемалол ибодат қилиши мумкин. Масжид қошида ҳалол гўшт дўкони, никоҳ ўқиш хонаси ва кафе жой олган.

Image not found or type unknown



Шоҳ Жаҳон масжиди

Сурра графлигидаги Уокинг шаҳрида жойлашган Шоҳ Жаҳон масжиди мусулмонлар учун қурилган энг биринчи масжидлардан ҳисобланади. Унинг қурилиши 1889 йили ниҳоясига етган. Масжид 600 та кишига мўлжалланган бўлиб, унинг қошида ҳам катталар, ҳам болалар учун диний


таълим

бериш

йўлга

қўйилган.


Image not found or type unknown



Ҳамкол (Ghamkol) марказий масжиди

Бирмингем шаҳрида жойлашган бу улкан масжид 1996 йили ўз фаолиятини бошлаган. Масжид қурилиши 1992 йили 15 март куни Рамазон ойида бошланиб, 4 йилда қуриб битказилган. Масжидда бирданига 6000 киши бемалол намоз ўқиши мумкин.


Image not found or type unknown



Дидсбери масжиди

Буюк Британиядаги кўплаб масжидлар олдин черков бўлган. Манчестер шаҳрида жойлашган Дидсбери масжиди ҳам 1883 йили қурилган черков бўлган. 1962 йили черков фаолиятини тўхтатгач, кейинроқ масжидга айлантирилган. Масжид 1000 кишига мўлжалланган.

Image not found or type unknown



Глазго марказий масжиди

Горлабс шаҳрида жойлашган Глазго масжиди 1983 йилда Муҳаммад Туфаил Шаҳин деган тижоратчининг катта ёрдами билан барпо этилган. Масжид расман 1984 йили Бутунжаҳон мусулмонлар лигаси Бош котиби Абдуллоҳ Умар Нассиф томонидан очилган. Масжиднинг ич томонлари анъанавий арабча усулга мувофиқ равишда безатилган.


Image not found or type unknown



Эдинбург марказий масжиди

Эднбург университети ва Шотланд миллий музейидан унча узоқ бўлган Поттерро шаҳарчасида жойлашган. Масжид ва ислом маркази бир жойда жойлашган. Масжид 1000 кишига мўлжалланган.


Image not found or type unknown



Файзан ва Мадина масжиди

Питербородаги Миллфилде шахрида жойлашган ушбу каттагина масжид 3000 кишига мўлжалланган. Масжидда Қуръони карим ва диний таълим бериш курслари фаолият олиб боради.


Image not found or type unknown



Байтул Футуҳ масжиди

Сурра гарфлигидаги Мордене шаҳрида бундан 15 йил олдин барпо этилган ушбу масжид Фарбий Европадаги энг катта масжид ҳисобланади. Масжид 6000 кишига мўлжалланган.


Image not found or type unknown



Шоҳ Жалол масжиди

Ниҳоятда ажойиб дизайнда барпо этилган ушбу масжид энг бошида кўп қаватли уйлар охирида кичкинагина кўринишда бўлган. Маҳаллий мусулмонлар сони ошиб бориши билан бу бино барча намозхонларни қамраб олмай қолади. Шундан сўнг Бангладеш ислом уюшмаси бинони сотиб олиб, ўрнида каттагина янги масжид барпо қилади.

Image not found or type unknown



Китоб якунида муаллиф қуйидаги хулосларини баён этиб қолдиради: “Бу китоб асосан Ҳиндистон, Покистон ва Бангладешдан келиб ўн йиллар мобайнида қашшоқлик, ирқчиликка қарши курашиб, қатъиятлик, ихтирочилик билан муваффақиятга эришиб, Британия мусулмон жамиятининг ижтимоий ва диний инфратузилмасини яратишга муваффақ

бўлган мусулмон-мигрантларнинг фаол авлодига гувоҳ бўлди”.

Islom.uz